



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚҮМИТАСИННИГ ҚАРОРИ

**Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва хужжатларини тасдиқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон “Еларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2013 йил 30 октябрдаги 21-сон қарори (рўйхат рақами 2521, 2013 йил 7 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 45-сон, 596-модда) билан тасдиқланган Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва хужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. Абдуллаев

Тошкент ш.
2018 йил "14" маюни
-сон



Ўзбекистон Республикаси
Ер ресурслари, геодезия, картография
ва давлат кадастри давлат
қўмитасининг 2018 йил 8 июндаги
6-сон қарорига
ИЛОВА

**Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуидаги таҳрирда баён
этилсин:

“тупроқ бонитировкаси ишлари буюртмачиси – Ўзбекистон
Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат
қўмитаси (бундан буён матнда Давергеодезкадастр қўмитаси деб юритилади).”;

тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчиси – Давергеодезкадастр
қўмитаси тасарруфидаги ташкилотлар.”.

2. 5, 13, 18 ва 29-бандлардаги “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси” деган
сўзлар “Давергеодезкадастр қўмитаси” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6, 8, 12 ва 24-бандлардаги “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг”
деган сўзлар “Давергеодезкадастр қўмитасининг” деган сўзлар билан
алмаштирилсин.

4. 7 ва 25-бандлардаги “туман фермерлари кенгашининг” деган сўзлар
“туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг” деган
сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 10-бандда:

“туман фермерлари кенгashi” деган сўзлар “туман фермер, дехқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi” деган сўзлар билан
алмаштирилсин;

“туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими” деган сўзлар “туман қишлоқ
хўжалиги бўлими” деган сўзлар билан алмаштирилсин.



6. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

Қишлоқ хўжалиги вазири

2018 йил “8” июн





Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси

2018 йил “8” июн

